Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 31-mart. Shanba • 42 (31.474) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР

## ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

### *«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди*

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови мамлакатимизда кичик бизнесни, фермерлик ҳаракатини ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш, янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур танлов хусусий сектор вакиллари, фермер ва ҳунармандларнинг йилдан-йилга ортиб бораётган салоҳиятини намоён этиш, энг яхши тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.**

30 март куни «Туркистон» саройида «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Республика «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Иштирокчилар сафининг тобора кенгайиб бораётгани, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, рақобатбардошлиги замон талаблари асосида ошаётгани танлов нуфузини юксалтирмоқда, энг фаол тадбиркор ва фермерлар, уста-ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобатни янада кучайтирмоқда.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайтирилди. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилиб, бу борада барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди. Янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидалар янада соддалаштирилгани, тадбиркорлик фаолияти учун 2 кун ичида тегишли рухсат олиш имконияти ўз хусусий бизнесини очиш ниятида бўлган ҳар бир фуқарога кенг шароит яратмоқда. ларни янги босқичга олиб чиқди.

лармонлар экани, айниқса, эътиборга молик. Танлов номинациялари орасида ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ёш ишбилармонлар, тадбиркорликни бошлаётган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини янги ташаббусларга ундамоқда.

«Ташаббус — 2012» танлови ғолибларининг номлари эълон қилинди.

Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — «Spark» автомобиллари тантанали равишда топширилди.

— Тадбиркорлик билан шуғулланишимиз учун Президентимиз ташаббуси билан улкан имкониятлар яратиб берилаётгани бизнинг фаолиятимизда ҳам муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Энг яхши тадбиркор» йўналишида ғолибликни қўлга киритган Жиззах шаҳридаги «Jizzax-Kuhinur» хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоева. — Ана шундай эътибор самарасида мулкдор бўлдик, юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз, оиламиз фаровон. Корхонамиз пиллани қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, бир неча турдаги адрас, атлас ва бошқа ипак маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз. Корхонамизда ҳозир 120 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, коллежларни битирган эллик нафар қиз ҳунар ўрганиб, ишимизга ёрдам бермоқда. Келгусида пиллани юз фоиз қайта ишлаб, экспортга ярим тайёр маҳсулотлар чиқармоқчимиз.



Танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар, ҳунармандчилик буюмларининг кўргазмасида ҳам бу жиҳатлар ўзининг яққол ифодасини топди. Унда тадбиркорларимиз томонидан замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган, жаҳон бозорида талаб юқори, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар намойиш этилди. Фермер ва ҳунармандларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш саноатининг тобора равнақ топаётгани, қадимий анъаналар асосида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ривожланаётганини ўз маҳсулотлари орқали яққол намоён этди.

Кўргазмада қатнашган истеъмолчилар, хорижлик меҳмонлар ҳамда танлов ҳайъати нафақат ички бозорда, балки экспортда ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб бораётган тадбиркорларимизнинг фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Кичик бизнес бозор конъюнктурасига тез мослашади. Мамлакат иқтисодиёти, одамларнинг даромад манбаи барқарорлигини сақлашда, янги иш ўринлари яратишда мазкур соҳа муҳим ўрин тутади. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида, жаҳон бозорида рақобат кескинлашиб бораётган бир пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётимизнинг муттасил ўсишини таъминлашда, халқимиз ҳаётида улкан аҳамият касб этмоқда.

Катта имконият, имтиёз ва преференциялар берилаётгани мазкур соҳа ривожида кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилингани ҳамда махсус Давлат дастури амалга оширилгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Ушбу секторга тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит ресурсларининг ҳажми ҳам йил сайин ошмоқда. Бу замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттириш, чекка қишлоқларда ҳам энг сўнгги моделдаги технологиялар билан жиҳозланган мини завод ва корхоналар ташкил этиш имконини бераётир. Натижада мазкур соҳа мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Мисол учун, 2011 йилнинг ўзида кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди, уларнинг ялпи экспортдаги улуши 16,3 фоизга етди.

«Ташаббус» кўрик-танловининг бу йилги туман, шаҳар, вилоят босқичларида етти минг нафардан ортиқ микрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳунармандлар, халқ амалий санъати усталари иштирок этди. Уларнинг барчаси барқарор фаолият кўрсатаётган, юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган субъектлардир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, бу йилги танловда ҳам импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар кўпчиликни ташкил этган. Кўрик-танловнинг қуйи босқичларида қатнашган тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг аксарияти ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этаётган ишбилармонлар экани, айниқса, эътиборга молик.

Фермерлик ҳаракатининг тобора ривожланиши натижасида бугун фермерлар етиштирган маҳсулотини қайта ишламоқда, қишлоққа саноатни олиб кирмоқда. «Ташаббус — 2012» танловининг «Энг яхши фермер» йўналишида бош совриннни қўлга киритган Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров ўз фаолиятини шу асосда ташкил этган. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликда 600 бош қорамол парваришланиб, сутни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Айни пайтда аҳолига тўққиз турдаги сифатли сут маҳсулотлари етказиб берилаётир.

«Энг яхши ҳунарманд» йўналишида Фарғона вилояти Риштон туманида яшовчи ҳунарманд Мирзомасхар Акромов ғолиб деб топилди. Ҳунарманд яратаётган ўттиз турдан ортиқ бежирим безаклар берилган кулолчилик маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур.

«Ташаббус — 2012» танлови совриндорларига диплом ҳамда мукофотлар топширилди. Қўлга киритилган ғалаба уларга халқаро танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиш ҳуқуқини, ўз йўналишлари бўйича чет элда малака ошириш имкониятини беради.

«Ташаббус — 2012» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

## ЎзХДП: устувор вазифалар









Муродбек ЗИЁ, Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

# ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА

### *партия ташкилотлари фаол ва ташаббускор сиёсий куч сифатида иштирок этиши зарур*

**2012 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги VI пленуми бўлиб ўтди.**

Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, экспертлар қатнашди.

Пленум **«Мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»**ги масалани кўриб чиқди.

Пленум иштирокчилари юртимизда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг изчиллик билан амалга оширилиши кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга кўтариши, энг муҳими, фуқароларнинг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилишини таъкидлашди.

*(Давоми 2-бетда.)*

---

## Партиялараро баҳс

# ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ

### *нафақат фермер хўжаликлари, балки иқтисодиёт ривожига ҳам хизмат қилади. Лекин халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар бунга етарли эътибор қаратмаяпти*

2-бет

---

## «Олтин қалам» танловига

# ЮРТИМИЗНИ РАҚОБАТДОШ МАМЛАКАТГА АЙЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2012 йилги устувор йўналишларини белгилаб берди. Улардан бири — миллий иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш ҳисобланади. **Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори Авазбек Содиқов** билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

⇨ 3

---

## «Умид ниҳоллари — 2012»

# ҒОЛИБЛАР

### *мамлакат босқичида беллашади*

**Уч босқичли спорт мусобақаларининг дастлабкиси — «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари ёш авлоднинг жисмонан бақувват, маънан соғлом бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда. Мазкур мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси финал беллашувлари ҳам юксак савияда ўтмоқда.**

Нукус шаҳрининг «Қизкеткен» мавзесида жойлашган болалар спорти мажмуасида кураш бўйича 8-9 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган беллашувларда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 50 нафардан ортиқ ёш полвонлар иштирок этди.

Тўрт вазн тоифасида гиламга чиққан спортчилар орасидан қўнғиротлик Даутбой Исоқов, мўйноқлик Руслан Жумамуродов, чимбойлик Қувонч Турсунбоев, нукуслик Илёс Ўринбоев ғолиб чиқди.

Ғолиблар «Умид ниҳоллари — 2012» спорт ўйинларининг мамлакат босқичида иштирок этади.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДП: устувор вазифалар

# ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА

## *партия ташкилотлари фаол ва ташаббускор сиёсий куч сифатида иштирок этиши зарур*



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу ўринда, айтиш жоизки, мамлакатимизнинг 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг асосий устувор йўналишлари партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари мазкур масалалар бўйича аниқ ва фаол сиёсий позицияга эга бўлишини тақозо этади. Партиямизнинг бу жараёндаги иштироки аввало партия электорати манфаати ва ҳаётий эҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами орасида islоҳотларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини оширишга ҳисса қўша оладиган, меҳнатга лаёқатли кишилар кўпчиликни ташкил этади. ЎзХДП бундай фуқароларни фаол меҳнат жараёнига, оилавий тадбиркорликка жалб этиш уларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясининг асосий йўналиши деб ҳисоблайди. Чунки шу йўл билан яна бир муҳим вазифа ҳал этилади. Яъни, ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар ўз меҳнати, оилавий тадбиркорлиги ҳисобидан оиласи фаровонлигини таъминлар экан, улар ижтимоий нафақа олувчидан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларни тўлдиришга ҳисса қўшувчи шахсга айланади. Бундан ташқари, бу ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши ва ички истеъмол бозорининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда хизматлар билан бойишига хизмат қилади.

Пленумда партия фаоллари иқтисодиёт ва маиший тармоқда энергияни тежаш, қишлоқ жойларда сервис ва хизмат кўрсатишнинг замонавий турларини ривожлантириш, шаҳарларда уй-жой-коммунал соҳасини такомиллаштириш, ёш оилалар учун имтиёзли ипотека кредитлари бериш самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб масалаларни ўртага қўйишди. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг тегишли вазифаларни ҳал этишдаги амалий иштирокини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Шунингдек, ЎзХДП Ҳаракат дастурида 2011 йил учун мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш ўз самарасини бераётгани, тегишли ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида қарорлар қабул қилинишига эришаётган депутатлик гуруҳлари сони сезиларли даражада ошгани қайд этилди.

Шу билан бирга, ўтган йили депутатлик гуруҳларининг кўпчилиги сусткашликка йўл қўйгани, шу сабабли, жорий йилда бу ишларни амалий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун партиянинг Ҳаракат дастурида 2012 йил учун кўзда тутилган вазифаларни аниқлаштириш бўйича таклифлар киритилди. Бу таклифлар маҳаллий Кенгашлардаги партиямизнинг қарийб 200 та депутатлик гуруҳининг ҳар бири олдига аниқ ва амалий натижага қаратилган вазифалар қўйишни кўзда тутади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир масала бўйича ҳудудий дастурларни ҳаётга татбиқ этишда аниқ кўрсаткичларга эришиш лозимлиги таъкидланди.

Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ташаббус билан чиқиши, агар зарур бўлса маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига муқобил лойиҳалар тақдим этиши лозимлиги уқтирилди.

Пленум қатнашчилари бугунги кунда партиялараро сиёсий баҳс савиясини кучайтириш, унда партия аъзолари, фаоллари, барча даражадаги депутатлар фаол қатнашиши талаб этилишига эътибор қаратди.

Пленумда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирлар мазмунига жиддий эътибор қаратилди. Уларни тайёрлаш ва ўтказишда партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган ёндашувни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Партиянинг Уставига мувофиқ пленумда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот тингланди. Пленумда ЎзХДПнинг 2011 йилги бюджети бажарилиши тўғрисида ҳисобот тингланиб, партиянинг 2012 йилги бюджети кўрсаткичлари тасдиқланди.

Пленумда Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда партия ташкилотлари депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш йўлида янги ва амалий таклифлар билан чиқиши зарурлиги таъкидланди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**



**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI пленумида иштирокчилар кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.**

# ПЛЕНУМДА АЙТИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР

## *электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилди*

**Анвар БОЙҚУЛОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш партиямиз дастурида белгиланган устувор йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Пленумда сўзга чиққан партиядошларимиз келтирган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, бу йўналишдаги ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас. Аҳолининг, айниқса, қишлоқ туманларида пойабзал ва чарм буюмлари, маиший техникани таъмирлаш, кир ювиш ҳамда кимёвий тозалаш бўйича хизматлар, компьютер хизматлари, шунингдек, сартарошхона ва гўзаллик салонлари каби хизмат кўрсатиш ва сервисдан фойдаланиш имкониятлари етарли эмас.

Шу сабабли фракциямиз, депутатлик гуруҳларимиз, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорликда аҳолининг хизмат кўрсатиш ва сервисга эҳтиёжини таҳлил этиб, соҳани ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши, унга амалий таклифларни киритиши мақсадга мувофиқдир. Фракциямиз олдидаги муҳим вазифалардан яна бири — мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда мутахассислар, экспертларни жалб қилган ҳолда, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилишдан иборат. Чунки ўтган давр мобайнида уларнинг айримларига ҳаётнинг ўзи талаб этаётган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмай қолган.

**Сергей КИМ,**
*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:*

— Бугунги пленумда билдирилган фикр-мулоҳазалардан хулосам шуки, биз электорат манфаатини ҳимоя қилиш учун кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишимиз лозим.

Шу кунларда депутатлик гуруҳимиз турар-жойлардаги коммунал хизматларнинг сифат даражасини ошириш, шаҳар ҳудудини янада ободонлаштириш, айниқса, кўп қаватли бинолар орасидаги йўллар, пиёдалар йўлаклари аҳволини яхшилаш каби масалаларни ўрганиб, бу борада аниқ таклифлар ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда.

Бунинг учун, аввало, коммунал соҳадаги иссиқлик таъминоти масалаларида мавжуд бўлган муаммоларнинг сабабларини аниқлаш, мутасадди корхона ва ташкилотлар билан бирга уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш лозим. Тўғрисини айтганда, коммунал тармоқдаги камчиликлардан аввало партиямиз электорати кўпроқ ташвиш кўради. Демак, бу масалага қанчалик кўп эътибор қаратсак, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилган бўламиз.

**Саид ЯРИБЕКОВ,**
*«Sirdaryo IES» ОАЖ қошидаги ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти раиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси:*

— Пленумда бир фикр кўп таъкидланди. Умумий гаплар, ваъдалар ўрнига электоратни ташвишга солаётган масалалар билан кўпроқ шуғулланишимиз зарур. Шу ўринда бир муаммога эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари таннархини пасайтириш электоратимиз учун ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Биз ўтказган таҳлиллар бунинг асосий омилларидан бири — саноат корхоналарида электр сарфини камайтиришдан иборат эканини кўрсатмоқда.

Айрим корхоналарда электр қувватидан оқилона фойдаланилмаяпти, белгиланган миқдордан ортиқча сарфлаяпти. Бу уларнинг иқтисодига сезиларли зарар келтирмоқда. Шунинг учун жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур масалани депутатлар иштирокида ўрганиб, таҳлил этиб, Ширин шаҳар Кенгаши сессиясига киритишни таклиф қилдик.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, хусусан, электр қувватини кам сарфлайдиган ускуналар билан таъминлаш, бунга инвестиция жалб этиш, корхоналардаги ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг бу борадаги тажрибасини ошириш бўйича ҳам таклифлар тайёрлаш лозим, деб ҳисоблайман.

**Сардор АБДУЛЛАЕВ,**
*ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири:*

— Тажриба шуни кўрсатадики, амалий ишлар партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Демак, бугун партиянинг маҳаллий ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари маҳаллий хомашёга асосланган туман ва шаҳарларнинг аниқ инвестиция дастурларини шакллантириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва янгиларини ташкил этишга доир таклифларни кескин кучайтириши зарур.

Мамлакатимиз истиқболи, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида мавқеи ошиб бориши ўсиб келаётган ёш авлод мустақил ҳаётга қай даражада тайёрланишига боғлиқ. Афсуски, айрим туманларда мутахассис кадрлар тайёрлашда шу минтақа ижтимоий-иқтисодий ва аграр салоҳияти, қайси соҳага кўпроқ кадр кераклиги, келгусида қайси йўналишдаги мутахассисларга эҳтиёж ортиб боришига етарли эътибор қаратилмаяпти.

Ҳозирги кунда қанча ёш ишга муҳтож ва бу йил қанча йигит-қиз олий ва ўрта-махсус ўқув юртларини битиради, ҳарбий хизматдан қайтганлар сони ҳамда уларнинг мутахассисликлари, қизиқишлари бўйича мониторинг олиб бориш ва тегишли ташкилотларга янги иш ўринлари очиш борасида асосли ҳамда амалий таклифларни киритиб боришимиз лозим.

**Иброҳим ЁҚУБОВ,**
*ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати:*

— Бугунги пленумда бандлик масаласига, ёшларни ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Касб-ҳунар коллежи битирувчилари мутахассислиги бўйича ишга жойлашишга кўмаклашиш партиямизнинг Сайловолди дастури ва Ҳаракат дастурида муҳим вазифа сифатида белгиланган. 2011 йил депутатлик гуруҳларимиз яратилаётган иш ўринлари қоғозда эмас, амалда бўлиши учун қатъий назорат олиб борди, камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий таклифларни сессия муҳокамасига киритди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Республика Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими марказидаги муассасаларга қабул бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган Низомга асосан, ҳозир ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида дарс жараёнига иштирок этмаган ёки ўқишда фаол қатнашмаган, етарли даражада билим ва касбий малакага эга бўлмаган ёшларга диплом эмас, ўқув юртини битиргани ҳақида маълумотнома беріляпти. Бундай маълумотнома билан ишга ҳам, олий қўув юртига ҳам қабул қилинмайди. Демак, бу масалага янада чуқурроқ ёндашиш талаб этилади. Ҳозир бу муаммо бўйича таклиф тайёрлаяпмиз. Менимча, ёшларни ўқишга тўлиқ сафарбар этиш учун ота-она, маҳалла ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда чора-тадбирлар кўриши лозим.

✧✧✧

***Шунингдек, Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, ЎзХДП Хоразм вилоят Кенгаши раиси Раимберган Сабуров ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидаги масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.***

Партиялараро баҳс

# ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ

## *нафақат фермер хўжаликлари, балки иқтисодиёт ривожига ҳам хизмат қилади. Лекин халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар бунга етарли эътибор қаратмаяпти*

**Мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, хусусан, фермер хўжаликлари ташкил этилгани ва уларнинг ривожланиши учун яратилаётган шарт-шароит ўзининг катта самарасини бермоқда.**

«Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор фермерлик ҳаракатида муҳим роль ўйнаяпти. Унга кўра, ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo» халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказиб келинади. Бу — фермерлар учун замонавий техника ва технологиялар билан танишиш, харид қилиш ва ишга туширишда қулай имконият яратмоқда.

Бинобарин, фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши қандай аҳамиятга эга экани ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши бугун барчага аён ҳақиқат. Мазкур ислоҳотлар ички бозор талабини қондириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда катта самара беришини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Маълумки, фермерлар манфаатини ҳимоялаш, эркин фаолият юритиши учун қулай муҳит яратиш ЎзЛиДеПнинг устувор вазифаларидан биридир. Дарҳақиқат, либераллар фермер ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш, бунга партия фаоллари жиддий эътибор қаратиши лозимлигини кўп таъкидлашади. Аммо Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида бўлиб, либералларнинг бу борадаги амалий иши билан танишганда, бунинг тасдиғини кўрмадик.

Туманда 314 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Туман иқтисодиёти ривожида уларнинг муносиб ўрни бор. Афсуски, 314 та фермер хўжалигидан бор-йўғи биттасида қайта ишлаш корхонаси ташкил этилган. Яъни, «Тано» чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги уч йил олдин сутни қайта ишлаш корхонасини очган. Фермер хўжалиги раҳбари Акром Ғозибоев(сиёсий партияга аъзо эмас)нинг айтишича, корхона ўзининг саъй-ҳаракати ва туман ҳокимлиги кўмагида ташкил этилган. Бунга либерал партиянинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Айни пайтда, у ерда 80 нафардан ортиқ йигит-қиз муқим иш ўрни билан таъминланган.

Тумандаги «Маҳмудбей» чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш арафасида турибди. Унинг раҳбари Баҳром Раҳимов(сиёсий партияга аъзо эмас)нинг қайд этишича, бу жараёнда ўзи ташаббус кўрсатган, туман ҳокимлиги кўмак бераяпти. Агар корхона ишга тушса, 10 та иш ўрни яратилади. Фермер хўжалиги раҳбари корхона ташкил этилишида ЎзЛиДеП туман кенгаши фаоллари ва депутатларидан ёрдам олмаган.

Туман Кенгашидаги депутатларнинг 12 нафари ЎзХДП, 10 нафари ЎзЛиДеП ва 2 нафари ЎзМТДПдан сайланган. ЎзХДП ва ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар ташаббуси билан туман Кенгаши сессияларига муайян масалалар киритилган. Лекин негадир, ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида қайд этилган, **«Партия фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишдан иборат»,** деган вазифа бўйича мазкур туман Кенгашидаги либерал депутатлар гуруҳи томонидан бирорта ҳам амалий иш қилинмаган. Фермер хўжаликларида қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш масаласи қанчалик долзарб бўлишига қарамай сессияларга бирорта ҳам таклиф киритилмаган.

ЎзЛиДеП Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари, туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Дамира Ешимбетова ўзининг депутатлик гуруҳи раҳбари эмаслигини таъкидлаб, фермерликка оид масалада ҳеч нарса билмаслигини айтди. Соҳадан хабари бор ЎзЛиДеП туман кенгаши депутати Рустам Фозилбековга мурожаат қилганимизда, у тумандаги фермерлар иштирокида тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилгани, уларда чорвачилик, мева-сабзавот йўналишларида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш масаласи кўтарилганини айтди. Лекин масала охиригача етмаган, унинг давомийлиги таъминланмаган.

ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ўртасида (2005 йил, 22 июнь) тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Бош битимда фермерлар фаолиятига илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд инфратузилмаларни янада ривожлантириш кўзда тутилган. Фермер хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам беришни ўз зиммасига олган ЎзЛиДеПнинг Юқори Чирчиқ туманидаги вакиллари эса буни унутган кўринади. Шу ўринда халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, ЎзХДП аъзоси У.Атемов ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиши, ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳига талабчанликни ошириши лозим, деб ўйлаймиз.

Бугун ҳар бир ҳудудда сиёсий партиянинг, депутатлик гуруҳларининг ўз сўзи, аниқ таклифи, таъсир кучи бўлмаса, электорат ишончини оқлаш, жамиятга фойда келтириш тўғрисида гапириш ноўрин бўлади. Зеро, мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олдимизда турган юксак вазифалар сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юкламоқда. Ўз навбатида одамлар ҳам сиёсий партияларга катта ишонч ва талаб билан қарамоқда. Ана шунинг ўзи сиёсий партиялар янада фаол, ташаббускор бўлиши, кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишини талаб этади.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Олтин қалам» танловига

# ЮРТИМИЗНИ РАҚОБАТДОШ МАМЛАКАТГА АЙЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

***— Авазбек Мадаминович, Юртбошимиз маърузасида жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнга алоҳида эътибор қаратилди. Айнан, жаҳондаги инқирозий вазият билан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш ўртасидаги узвий боғлиқлик хусусида ўз фикрларингизни билдирсангиз.***

— Дунёда рақобат кураши тобора кучайиб бораётган ҳозирги пайтда ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишга эришиш учун, аввалambор, миллий иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш талаб этилади.

Президентимиз ўз маърузасида жаҳон иқтисодиёти, дунёнинг ривожланган давлатлари 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларидан ҳали тўлиқ холос бўлмаган бир пайтда, инқирознинг иккинчи тўлқини хавфи кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг навбатдаги устувор йўналишларини белгилашда айнан глобал инқироз билан боғлиқ бўлган ташқи хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирини камайтириш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилди.

***— Кечирасиз, шу ерда гапингизни бўламан. Бизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Агар, инқирознинг иккинчи тўлқини содир бўладиган бўлса, бу дастур доирасида қилинган ишлар иқтисодиётимизни ташқи хавф-хатардан сақлаши учун етарли эмасми?***

— Бу Дастур натижасида инқирознинг энг оғир даврида ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик сақлаб қолинди, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди.

Агар, Дастур доирасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва унинг натижаларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, улар айнан миллий иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилганлиги яққол кўринади. Лекин масаланинг яна бир жиҳатини унутмаслигимиз керак. Охирги 10 йилликда глобаллашув жараёни жуда тезлашиб, қамрови кенгайиб кетди. Дунёдаги давлатлар ўртасида алоқаларнинг кучайиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашув жараёни кузатилмоқда. Жаҳон мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи омилларнинг таъсири тобора кучлироқ сезилмоқда, миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига боғлиқлиги ортиб боряпти.

Бундай шароитда, дунёда содир бўладиган ҳар қандай янги инқирозларнинг таъсир кучи кенгроқ ва чуқурроқ бўлиши, табиий. Мазкур омилларни инобатга олган ҳолда иқтисодиётни модернизация қилиш асосида унинг рақобатдошлигини ошириш бўйича республикамизда махсус дастур, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси аввал бошлаган ишларимизнинг узвий давоми ҳисобланади.

***— Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини қандай кўрсаткичлар асосида баҳолаш мумкин?***

— Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги, аввалambор, ҳар бир давлатнинг ўзидаги мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳисобидан тайёр, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги, жаҳон бозорида товар айирбошлашда уларнинг улуши юқорилик даражаси билан ўлчанади. Мисол тариқасида биргина рақамни таҳлил этиб кўрайлик. 1990 йилда экспортимиз умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30 фоиздан камроқ бўлган, ҳозир бу кўрсаткич 70 фоиздан зиёд. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини ҳамда жаҳон хўжалик тизимига қанчалик чуқур интеграциялашганлигини кўрсатади.

Мамлакат экспортининг диверсификациялашганлик даражаси эса, иқтисодиётнинг диверсификациялашганининг умумий кўрсаткичидир. Иқтисодиёт қанчалик диверсификациялашган бўлса, у шунчалик рақобатдош бўлади. Шу мақсадда, республикамизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда.

***— Демак, мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида амалга оширилган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини изчил оширишга қаратилган эди, десак, тўғри бўлади.***

— Шу ўринда, аввало, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иқтисодиётимиз қандай аҳволда бўлганини бир эслайлик. Аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабининг учдан икки қисми четдан олиб келинадиган маҳсулотлар ҳисобидан таъминланган. Четга сотадиган товарларимизнинг эса 60 фоиздан ортиғини пахта толаси ташкил қилган. Шу иккита рақамнинг ўзигина иқтисодиётимиз асосан хомашё етиштиришга ихтисослашгани ҳамда бошқа давлатларга қарам бўлиб қолганлигини кўрсатиб турибди.

Шундай оғир бир вазиятда, биз чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобига рақобатдош хўжалик тизимини шакллантиришга киришдик ва бу қисқа вақт ичида ўз натижасини берди. Айнан жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири кам бўлганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда.

Демак, мамлакатни модернизация қилиш ва либераллаштириш орқали унинг рақобатдошлигини ошириш бўйича ҳозир олдимизга қўйилган вазифалар аввалги ишларимизнинг мантиқий давомидир.

***— Бу йўналишда қисқа ва яқин келажакда юртимизда яна қандай ишлар режалаштирилмоқда?***

— Маълумки, ҳар қандай миллий иқтисодиёт ягона жаҳон хўжалиги тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, жаҳон хўжалиги ҳамда миллий иқтисодиёт бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик, айниқса, XXI асрда янада кучайди. Бундай пайтда ҳар бир давлат жаҳон хўжалигида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилиши муқаррар. Ўзидаги мавжуд табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар янада юксалади. Бу кўрсаткичларга, аввалambор, маҳсулотлар таннархини тушириш ва сифатини ошириш орқали эришиш мумкин.

*Охирги 10 йилликда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, дунёда рақобат кучайиб кетди. Келажакда эса бу жараён янада кескинлашиши аниқ. Бундай шароитда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш бизнинг доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади.*

Шу боис, Давлатимиз раҳбари томонидан саноат маҳсулотлари таннархини тушириш вазифаси қўйилди. Маълумки, ҳозир бизда ялпи ички маҳсулотнинг энергия ва материал сиғими анча юқори. Тўғри, ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир 1995 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғими икки баробарга камайди. Лекин бу кўрсаткич ривожланган давлатларга нисбатан ҳамон юқорилигича қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш биз учун энг муҳим масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда янги рақобатдош маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 2012-2016 йилларда қиймати 6,2 миллиард АҚШ доллари бўлган 270 дан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича ишлаб чиқилган тармоқ дастурлари давом эттирилади. Буларнинг барчаси бизда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, янги замонавий маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига саноат тармоқларининг, якуний натижада эса миллий иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш имконини беради.

Юртбошимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, биз келажакда ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу олий мақсадга эришиш учун нафақат иқтисодиётни, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация қилишимиз, уларнинг рақобатдошлигини оширишимиз талаб этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги йиғилиши баённомасида Ҳукуматга муттасади вазирликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, компаниялар иштирокида иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган махсус қарорлар ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Яқинда махсус қарор қабул қилинди. Унда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг таннархини 10-15 фоизга камайтириш назарда тутилган. Шунингдек, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини давом эттириш, янги замонавий қувватларни барпо этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ишларини давом эттириш, дунё бозорида тенг рақобатлаша оладиган тармоқларнинг улушини ошириш лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, охирги 10 йилликда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, дунёда рақобат кучайиб кетди. Келажакда эса бу жараён янада кескинлашиши аниқ. Бундай шароитда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш бизнинг доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади.

***— Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинди. Бу қарордан кўзда тутилган асосий мақсадга тўхталиб ўтсангиз.***

— Мазкур қарор республикамиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш ҳисобига уларнинг ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳамда корхоналар экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган. Унда 2012 йилда хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш таннархини ўртача 11,2 фоизга камайтириш бўйича таклифлари маъқулланган. Бунга асосан технологик жараёнларни оқилона ташкил қилиш ҳамда хомашё, материаллар ва энергия ресурслар сарфи нормаларини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш орқали эришиш назарда тутилмоқда. Маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига тежалган маблағлар корхоналарда қолади ва ундан ўз ихтиёрига кўра фойдаланилади.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши пировард натижада ташқи ва ички бозорларда саноат маҳсулотлари сотиш ҳажмини кенгайтириш, саноат тармоқларини жадал ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотда унинг улушини ошириш имконини беради.

***— Шу ўринда бир масалага эътибор қаратсак, Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржа кўргазмасининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича ўтказилаётган халқаро ва маҳаллий ярмарка-кўргазмалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз рақобатдошлигига, унинг сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу борада фикрингиз қандай?***

— Ҳа, албатта, юртимизда бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши иқтисодиётимизда рақобатдош, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, таниқли хорижий фирма ва компаниялар вакиллари иштироки ва улар билан республикамизнинг барча ҳудудларидан келган тадбиркорларимиз ўртасида юзлаб ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли шартномалар тузилмоқда. Бу, аввало, ички бозорда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқишнинг ягона тизими шаклланганини, маҳаллий тадбиркорлар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити юзага келгани ва пировардида маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатишини билдиради.

***— Демак, бугунги устувор вазифалардан бири — ўзимизда мавжуд барча имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, давлатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва шу орқали миллий иқтисодиётимиз рақобатдошлигини таъминлашдан иборат. Бу эса ўз навбатида давлатимиз куч-қудратини юксалтиради ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.***

— Албатта, шу ўринда айтиш керакки, бундай масъулиятли эзгу мақсадга эришиш корхона раҳбарлари, мутахассислар ва олимларимиздан катта меҳнат, фидойилик ва астойдил изланишни талаб этади.

**Суҳбатдош:**
**Обиддин МАҲМУДОВ.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2011 йилги МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

(минг сўм)

| Т/р | Кўрсаткичлар | Тасдиқланган режанинг бажарилиши |
|---|---|---|
| I | ***Даромадлар, жами*** | ***6 103 832,2*** |
| | шу жумладан: | |
| | Давлат бюджети маблағлари | 3 057 588,5 |
| | Кириш ва аъзолик бадаллари | 2 198 527,6 |
| | Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар | 800 200,0 |
| | Ҳомийликлар | 32 121,7 |
| | Бошқа даромадлар | 15 394,4 |
| II | ***Харажатлар, жами*** | ***6 100 689,5*** |
| | шу жумладан: | |
| | Ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари | 4 695 810,4 |
| | Партия аъзолари ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари | 3 656,7 |
| | Конференциялар ва йиғилишлар ўтказиш харажатлари | 30 486,5 |
| | Партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари | 25 634,0 |
| | Мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари | 856 694,2 |
| | Бошқа харажатлар | 488407,7 |
| III | ***Даромадларнинг харажатдан ортиқлиги*** | ***3 142,7*** |

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2012 йилги партия бюджети СМЕТАСИ

(минг сўм)

| Т/р | Кўрсаткичлар | Тасдиқланган режа |
|---|---|---|
| I | ***Даромадлар, жами*** | ***7 584 215,0*** |
| | шу жумладан: | |
| | Давлат бюджети маблағлари | 4 125 051,0 |
| | Кириш ва аъзолик бадаллари | 2 465 329,4 |
| | Тадбиркорлик фаолияти даромадлари | 993 834,6 |
| II | ***Харажатлар, жами*** | ***7 483 465,4*** |
| | шу жумладан: | |
| | Ижро этувчи аппарати учун жорий харажатлари | 6 538 405,7 |
| | Партия аъзолари ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари | 8 000,0 |
| | Партия матбуот органларига ёрдам кўрсатиш | 6 000,0 |
| | Кўргазмали тарғибот материаллари нашр этиш харажатлари | 15 000,0 |
| | Партия фаолларини ўқитиш, семинарлар, тренинглар ўтказиш харажатлари | 85 000,0 |
| | Партия пленум ва йиғилишлари ўтказиш харажатлари | 6 000,0 |
| | Партия мол-мулкини сақлаш, фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари | 642 000,0 |
| | Бошқа харажатлар | 183 059,70 |
| III | ***Даромадларни харажатдан ортиқлиги*** | ***100 749,6*** |

Бандлик

# БУГУНГИ ТАЛАБА — ЭРТАНГИ ЁШ ОИЛА

**Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва овулларида янги иш ўринлари ташкил этиш борасида ибратли ишлар қилинаяпти. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш диққат марказида.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Аббоз Камалов билан ўтган йил якунлари ва бу йилги режалар, шунингдек, Мустаҳкам оила йили муносабати билан қилинаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.**

— Қорақалпоғистон Республикасида 2011 йил давомида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича режадан ортиқ, яъни 49140 та янги иш жойлари очилди. Фақат қишлоқ жойларда 41357 та иш ўрни ташкил этилди.

Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан 24229 та иш ўрни очилгани соҳа равнақини кўрсатади.

Касаначиликнинг барча шаклларини қўллаш орқали 8590 та иш ўрни яратилди. Касаначилар томонидан 4985,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, касаначилик асосида яратилган янги иш ўринларининг асосий қисми йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида яратилди. Масалан, «Тахиатош дон» корхонасида 20 та, «Беруний пахта тозалаш заводи»да 60 та, Кегейлидаги «Халқобод момиғи»да 35 та, «Қўнғирот ун заводи»да 55 та, «Чимбой ёғ» ҲЖ да 15 та иш ўрни очилди.

Ўтган йили Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига 45115 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди, уларнинг 43333 нафари ишга жойлаштирилди. Бунда меҳнат ярмаркалари муҳим ўрин тутди. Биз ўтган йили 97 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказдик. Унда 3058 та корхона ва ташкилот 9816 та бўш иш ўринлари билан қатнашди ва 7980 нафар киши ишга жойлашди. Уларнинг 3118 нафари аёллар, 3919 нафари ёшлар, 1790 нафари эса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Ана шундай йигит-қизлардан элликқалъалик Озода Қалбаева тумандаги Тиббиёт коллежига ўқитувчи, Халида Алламуратова туман Ободонлаштириш бошқармасига ишчи, Қўнғирот туманидан Зибагул Жумамуратова Темир йўл вагони депосига техникани назорат қилиш устаси, Ғуломжон Торебаев Устюрт бурғилаш бошқармасига автокорхона чилангари, Нукус туманидан Женис Бегимов 1-мактабга ўқитувчи ва Анвар Торемуратов Нукус ўрмон хўжалигида ишчи бўлиб хизмат бошлади.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича изчил мониторинг ўрнатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги бўйича алоҳида ишчи гуруҳ тузилди.

**Мана шу саъй-ҳаракат туфайли битирувчиларнинг бандлиги 2012 йилнинг 12 январь ҳолатига келиб 97,1 фоизни ташкил қилди. Яъни, 28720 нафар йигит-қизнинг 27770 нафари иш билан таъминланди. 950 нафар битирувчи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.**

Амударё, Мўйноқ, Шуманай, Тахтакўпир ва Қанликўл туманларида ишсизлик даражаси юқори, шу боис бу ҳудудда Республика ишчи комиссияси туман ҳокимликлари билан бирга, бунинг сабабларини ўрганиб, шу ер учун хос бўлган тармоқлар ривожи ҳисобига ишсизликни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Республика Вазирлар Кенгаши томонидан Мустаҳкам оила йилида 49478 та янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, йилнинг биринчи чорагида 11380 та, аёллар учун 4666 та ва ёшлар учун 4325 та иш ўринлари яратилади.

**Ўтган ой давомида 3479 та иш ўрни ташкил этилди. Шунинг 1412 тасини аёллар, 1336 тасини ёшлар банд этди.**

Бу борада Нукус шаҳрида «Нурбол Шанарак» хусусий корхонаси, Қўнғирот туманидаги «Авезбек Ашамайли» масъулияти чекланган жамият, Кегейли туманида «Кегейли боян» масъулияти чекланган жамият бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Бу йил республикадаги 30 та касб-ҳунар коллежини 27903 нафар йигит-қиз битиради. Ҳозир улар ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейин шу жойда иш билан банд бўлиши учун корхона ва ташкилотларга бириктирилмоқда. Зеро, бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг ворислари, ёш оила қурадиган йигит-қизлардир. Улар жамият тараққиётининг янги босқичини таъминловчи куч. Шундай экан, улардан меҳримизни ва қўлимиздан келадиган ёрдамни аямаслик лозим.

**Суҳбатдош:**
**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Интернет-суҳбат

# «ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРДА ЕВРОПА ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНЯПМАН»

**дейди Берлин техника университети магистранти Камола Абулқосимова**



**Мақсадим — жамоатчилик билан алоқалар соҳасида янги ютуқлардан хабардор бўлиш ва тажриба орттириш. Унинг Ўзбекистондаги ривожига ўз ҳиссамни қўшиш.**

— 1988 йил Тошкент вилоятида туғилганман. Мактабда ўқиш баробарида уйда ўқитувчи билан махсус шуғулланардим. Табиий фанларни жуда ҳам яхши кўраман. Физика, кимё, астрономия жону дилим. Аммо кейинчалик ЎзМУ журналистика факультетини танладим ва имтиҳондан муваффақиятли ўтдим. 2010 йил бакалавр босқичини тамомлаб, магистратурада ўқишни давом эттира бошладим.

Биринчи курсни битирган пайтимда Европа Иттифоқининг Erasmus Mundus лойиҳаси MANECA дастурида қатнашиш имконияти пайдо бўлди. Мен Ўзбекистон магистрлари орасида унинг ғолиби бўлдим. Биз ўз соҳамиз бўйича инглиз тилида имтиҳон топширдик. Натижалар маълум бўлгач, лойиҳа ташкилотчилари шахсан Тошкентга келиб, бизни суҳбатдан ўтказишди. Тошкент, Қашқадарё, Намангандаги бир қанча олий ўқув юртларига ташриф буюришди. Дастур низомига кўра ғолиб рўйхатдаги иккита давлатдан бирида ўқишни давом эттириши мумкин эди. Мен Германияни танладим. Ва ўйлайманки, тўғри йўл тутдим. Чунки немисларнинг ишга бўлган муносабати, ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашиши ҳақида кўп эшитгандим. Мана, ўзим бунинг гувоҳи бўлиб турибман.

***— MANECA дастури ҳақида маълумот берсангиз?***

— MANECA — 5 Марказий Осиё давлатлари иқтидорли талабаларининг тажриба ва малакаларини оширишга эътибор қаратади. Унда ҳар бир талаба қатнашиши ва ғолиб бўлиб, Европада малака ошириши мумкин. Хоҳлардимки, Ўзбекистон ёшлари ҳам бу каби лойиҳаларда фаол иштирок этиб, ўз салоҳиятлари бошқа давлатлар ёшларидан кам эмаслигини кўрсатишса. Мен кўпчилик ёшларнинг, атрофимдаги дўстларимнинг нималарга қодир эканлигини билган ҳолда гапиряпман. Агар биз ўзимиздаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдалана олсак, ҳар қандай эшиклар очилиши тайин.

***— У ерда қайси йўналишда таҳсил оляпсиз?***

— Ҳозир Берлин техника университетида магистрлик дастури асосида таълим олмоқдаман. Бу ерда талабалар ўз истаклари асосида фанларни танлаб олишади. Мен асосий тармоқ — Kommunikation und sprache (жамоатчилик билан алоқалар) йўналишида таҳсил оляпман.

Бу соҳа биз учун янги йўналишлардан бири. Унинг ривожи йўлида турдош илмий йўналишлар — менежмент, психология, иқтисод, маркетинг, социология, этика, филология ютуқларидан фойдаланиш керак. Бу борада ҳар бир давлат ўз менталитетидан келиб чиққан ҳолда йўл тутиши керак. Бироқ бу борада жаҳон тажрибасини ҳам ўрганиш зарур.

***— Яқин келажакдаги орзуларингиз?***

— Энг асосий ниятим — ЎзМУга қайтиб, диплом раҳбарим билан ҳамкорликда ПР ва рекламанинг методологик захирасини бойитиш. Кейинчалик университетда амалий ва назарий изланиш олиб боришни ўйлаяпман. Бу борада Европа тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қаерда бўлишидан қатъи назар, инсон ўз Ватанини соғинади. Қўмсайди. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Наврўз тантаналарини томоша қилдим. Лекин мен бу ерга илғор тажрибаларни ўрганиш учун келганман. Бундан кўзланган мақсад — билимларимни Ўзбекистон келажаги, тараққиёти учун сарфлашдир.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.**

Реклама



# МОЛИЯВИЙ МАДАД — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

**«Агробанк» Фарғона вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўтган йили 29,9 млрд. сўм маблағ ажратилди. Молиявий кўмак ҳисобига ўз ишини бошлаган, ишлаб чиқаришини йўлга қўйганлар талайгина.**

Масалан, «VODIY NASLLI PARRANDA» корхонаси жамоаси бошқарманинг Бешариқ филиали томонидан эллик миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит олгач, «Lohmann» наслли паррандалар ва тухумлар етиштиришни йўлга қўйди. Бу ерда 20 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Корхонада маҳсулот турларини кўпайтириш, ўндан ортиқ қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, маҳсулот экспортини ошириш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

«VALEY BEVERAGE» масъулияти чекланган жамият банкнинг Боғдод филиалидан сифатли ичимлик сувлари ишлаб чиқариш учун қирқ миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олганди. Кредит ҳисобидан 15 та иш ўрни яратилди, эндиликда корхона томонидан соатига уч тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, унинг турлари 15 хилга етказилди.

«OYBEK ISSIQ NON» корхонасига кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг Фарғона шаҳар филиали томонидан эллик миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилганди. Ҳозир бу ерда 15 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда саккиздан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Умуман, бошқарма томонидан хизмат кўрсатилаётган қарийб 24,5 мингдан зиёд мижознинг 92,8 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш, хотин-қиз тадбиркорлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам диққатга сазовордир.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

| ОБ-ҲАВО | 31-03/01-04. 2012 | |
|---|---|---|
| **Юртимиз бўйлаб (°C)** | | |
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | | |
| +2 / +7 | +15 / +20 | |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | | |
| +8 / +13 | +22 / +27 | |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | | |
| +7 / +12 | +22 / +27 | |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | | |
| +10 / +15 | +23 / +28 | |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | | |
| +7 / +12 | +20 / +25 | |
| *Тошкент шаҳри* | | |
| +10 / +12 | +25 / +27 | |
| **Дунё бўйлаб (°C)** | | |
| *Лондон* | +3 / +7 | |
| *Париж* | +8 / +6 | |
| *Москва* | -2 / -3 | |
| *Мадрид* | +8 / +9 | |
| *Пекин* | +3 / +8 | |
| *Гонгконг* | +18 / +17 | |
| *Рим* | +6 / +8 | |
| *Анқара* | +4 / +6 | |
| *Токио* | +13 / +6 | |
| *Стокгольм* | -4 / -4 | |
| *Кейптаун* | +12 / +12 | |
| *Қоҳира* | +11 / +12 | |
| *Гавана* | +23 / +22 | |
| *Вашингтон* | +9 / +7 | |

Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 15 март сонида чоп этилган эълондаги «Лот 2-2» объектларининг қурилиш қиймати ҚҚСсиз 651,327 миллион сўм деб ўқилишини

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Наманган вилояти Поп тумани «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» ДУК томонидан «Кўқон ёғ-мой» ОАЖга берилган № 360012 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент давлат техника университети томонидан 43v-07 гуруҳ талабаси Шукуров Мансур Нуриллаевич номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ахборот технологиялари университети томонидан 054-09 гуруҳи талабаси Тоҳир Баҳодирович Тажитдинов номига берилган №05410 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Спорт

# ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ

## *бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати ўтказилди*

**Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган минг нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун гиламга чиқди.**



— Миллий спорт турларимиз — кураш, турон яккакурашлари қаторида ўзбек жанг санъати ҳам нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда тобора оммавийлашиб бораётир, — дейди мусобақа бош ҳаками Комилжон Шукуров. — Жумладан, ўтган йили ўзбек жанг санъати усталари бир қатор халқаро турнирларда муносиб иштирок этишди. Мисол учун, Испанияда Бутужаҳон яккакурашлар спорт ташкилоти — WASCO томонидан уюштирилган жаҳон чемпионатида вакилларимиз тўртта олтин, бешта кумуш ва битта бронза медаллари билан тақдирланишди.

Амалдаги йилда ҳам бу спорт тури бўйича вакилларимиз республика миқёсидаги мусобақалардан ташқари, кўплаб халқаро турнирларда қатнашишни режалаштиришган. Жумладан, апрель ойида Санкт-Петербург (Россия)да Шарқ яккакураш турлари бўйича Бутунжаҳон фестивали бўлиб ўтади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, мазкур беллашувлар доирасида матонат йўналиши бўйича ҳам спортчилар ўз чиқишларини намойиш этишди. Унда пойтахт ва турли вилоятлардан ташриф буюрган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлар ўзбек жанг санъати бўйича ўз омадларини синаб кўрдилар.

Чемпионат якунида умумжамоа ҳисобида Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган ҳамда Тошкент вилоятлари ўзбек жанг санъати усталарининг чиқишлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

***Суратда:*** *мусобақадан лавҳа.*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# ЛУИЗАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

***Германиянинг Котбус шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича навбатдаги Жаҳон кубоги босқичи ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишди.***

Иқтидорли гимнастикачимиз Луиза Галиулина эркин дастур бўйича ўз маҳоратини намойиш этиб, 13,75 балл жамғарди ва шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Эътиборлиси, Лондон олимпиадаси йўлланмаси учун кураш олиб бораётган Луиза бунгача АҚШ ва Бельгияда ўтказилган йирик халқаро турнирларда бронза медаллари билан тақдирланган эди.

**Эркин ХОЛБОБО**

Миллий матбуот марказида

# МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ВА САЛОМАТЛИК

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.**

2011 йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси йўналишидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Федерация Кенгаши ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида юридик хизмат тизими ташкил этилди. Бугунги кунда Федерация Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси юридик хизматлари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини уларга етказиш, фуқаролардан тушган мурожаатлар, таклифлар ва шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиб, қонуний ҳал этиш, зарур ҳолларда судларда касаба уюшма аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини амалга оширмоқдалар.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида касаба уюшмалари тизимида «Ишонч» телефонлари ташкил этилиб, уларга малакали мутахассислар жалб қилинди.

Касаба уюшмалари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам тизимли чора-тадбирлар белгиланган. Шу мақсадда 2011 йилда касаба уюшмаларининг 14 та ҳудудий бирлашмаси ва 11 та тармоқ марказий кенгашида фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат тизими жорий этилди.

Фуқароларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимида 15 та санаторий фаолият кўрсатмоқда. Ушбу масканларда ҳар йили 90 минг нафарга яқин фуқаро ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаш имкониятига эга бўлмоқда. Санаторийларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўтган йили Федерация Кенгаши томонидан тизимдаги Санатор-курортлар бошқармаси фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Натижада ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга эришилди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, 2011 йилда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланмалар ажратиш муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий имкониятлари кенгайтирилиши натижасида ҳар йили қўшимча равишда 10 минг нафар ходимни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имкони яратилди.

Ўтган йили касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда янги йўналиш — фертил ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари йўлга қўйилди. Бунда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аёлларни соғломлаштириш билан қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятидаги «Умид гулшани» санаторийсида имтиёзли соғломлаштириш ташкил этилган бўлиб, 70 нафар фертил ёшидаги аёл тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли муолажалар амалга оширилди.

Таъкидлаш кераккки, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан санаторий-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва болани малакали соғломлаштириш йўналишидаги ишларни жаҳон андозалари талаблари даражасида амалга ошириш мақсадида 2011 йил давомида тизимдаги санаторийларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Хусусан, Жиззах вилоятидаги «Зомин» санаторийси мукаммал таъмирланди. Шунингдек, «Зомин» санаторийси ҳудудида «Осма дор йўли» қурилиб, қишки мавсумда чанғи спорти билан шуғулланиш учун шароитлар яратилди.

Тошкент вилоятидаги «Оқтош» санаторийсида аҳолининг дам олишга бўлган талабини тўла қондириш мақсадида 24 ўринли 8 та ёзги сендвич коттежлар барпо этилди. «Умид гулшани» санаторийсида эса ётоқ биносини мукаммал таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Тошкент шаҳридаги «Чинобод» санаторийсида маъданли ичимлик суви галереяси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, санаторий ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Мустаҳкам оила йилида ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни режалаштирган. Хусусан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Умид гулшани» санаторийсига 100 нафар ёш оила учун 200 дона имтиёзли йўлланма ажратилиб, саломатликлари мустаҳкамланади. Касаба уюшмалари санаторийларида кўп болали ва кам таъминланган оилалардан бўлган 500 нафар аёл бепул соғломлаштирилади. 1000 нафар она ва бола дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди. Қишлоқ ҳудудларида яшовчи оилаларнинг 5 минг нафар аъзоси, 1,5 минг нафар етим болалар, 500 нафар ногиронлар санаторийларда бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, амбулатор даволаш ишлари амалга оширилади.

**Равшан ШОДИЕВ**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
19850 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.00
Topshirilgan vaqti — 02.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5